

CHARACTERISTICS OF IRRIGATED GRAPHY MEADOW SOILS AND ESTIMATION OF THEIR FERTILITY

Shohobidinov Abdulvosit Ziyoviddinovich

*Andijan Institute of Agriculture and Agrotechnology Assistant of the
Department of "Agrochemistry, Soil Science and Technology of Organic
Products"
Andijan, Uzbekistan*

ХАРАКТЕРИСТИКА ОРОЩАЕМЫХ СЕРОЗЕМНО-ЛУГОВЫХ ПОЧВ И ОЦЕНКА ИХ ПЛОДОРОДНОСТИ

Шохобидинов Абдулвосит Зиевиддинович

*Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтининг
“Агрохимё, тупроқшунослик ва органик маҳсулотлар етиштириши
технологияси” кафедраси ассистенти
Андижон, Ўзбекистон*

Аннотации: Территория Хавасского района-район светло-серых почв. Широко распространена восточная группа рек, внешняя часть которой представлена аллювиально-пролювиальными отложениями, орошаемыми светло-серыми, серо-луговыми, лугово-серыми, луговыми, лугово-болотными почвами. В связи с этим встречаются тяжелые, средние, легкие песчаные почвы различного механического состава.

Annotation: The territory of Khavas district is a region of light gray soils. The eastern group of rivers has a high distribution, the outer part of which consists of alluvial-proluvial deposits, irrigated light gray, gray-meadow, meadow-gray, meadow, meadow-swamp soils. In this regard, heavy, medium, light sandy soils of different mechanical composition are encountered

Ключевые слова: орошаемые почвы, генетический слой, тип почвы, гумус, карбонатность.

Keywords: irrigated soils, genetic layer, soil type, humus, carbonate content.

Бугунги кунда Республикамизда тупроқ унумдорлигини ва ишлаб чиқариш қобилиятини ошириш, унга тўғри муносабатда бўлиш, турли салбий жараёнларни олдини олиш, тупроқ иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда экинларни тўғри жойлаштириш ва уни муҳофаза қилиш бўйича тадқиқотлар ўтказилиб, илмий ишланмалар, тавсияномалар ишлаб чиқилмоқда ва муайян натижаларга эришилмоқда [5].

Қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳосил олиш тупроқнинг энг муҳим кўрсаткичи бўлган унинг унумдорлиги билан узвий боғлиқдир. Маълумки, Мирзачўл воҳаси ҳозирги Сирдарё ва Жиззах вилоятлари худудларини қамраб олган йирик теккисликлардан иборат бўлиб, ўтган асрнинг кўп йилларидан бери деҳқончилик қилиниб келинмоқда [5].

Тупроқ унумдорлигини аниқловчи хоссаларидан унинг механик таркиби, структура ҳолати, сув-физик, иссиқлик, агрохимёвий хоссалари, гумус ва минерал моддалар миқдори, биологик фаоллиги ва сув ўтказувчанлиги ҳисобланади. Юқорида қайд этилган тупроқ мақбул хоссалари мавжуд бўлганда ўсимлик ҳаёти учун зарур моддалардан самарали фойдаланади ва юқори ҳосил беради. [4].

Туман ҳақида умумий маълумотлар: Сирдарё тумани тоғ олди ярим чўл зонаси, оч тусли бўз тупроқлар минтақаси, аллювиал-пролювиал ва лёссимон ётқизиклардан ташкил топган Сирдарёнинг қайир усти террасаларида ҳамда Шўрўзак чўкмасида жойлашган. Сирдарё тумани шимолдан Қозоғистон Республикаси, шарқдан Тошкент вилояти, жанубдан Сайхунобод ва Мирзаобод туманлари, ғарбдан Қозоғистон Республикаси билан чегараланган.

Сирдарё вилояти Ховос туманининг жаъми қишлоқ хўжалик ер майдонди 52224 гектарни, шундан тупроқлари текширилган суғориладиган

кишлоқ хўжалик ерлари эса 38324 гектарни ташкил этади. Туманнинг гидрогеологик шароитлари ўта мурраккаб бўлиб, ер ости сувларининг асосий манбалари, суғориш тармоқлари ва суғориладиган далалардан шимилиб кетаётган сувлар ва Туркистон тоғ тизимларидан оқиб тушаётган ер ости сувлари ҳисобланади. Ер ости сувлари жуда кўп майдонларда 10 метргача бўлиб, тупроқ ҳосил қилиш жараёнида иштирок этмайди. [2].

Ер ости сувларининг минераллашганлиги 1,0 граммдан 3,0 грамм/литргача бўлиб, асосан гидрокарбонат – магнийдан иборат. Бу тупроқларнинг мелиоратив шароитлари суғориш учун қулай.

Ховос тумани ҳудуди оч тусли бўз тупроқлар минтақаси. Сойларнинг шарқий гуруҳ йиғилган ёйилмаси юқори, ташқи қисмининг аллювиал – пролювиал ётқизиклардан иборат бўлган текисликлари, суғориладиган оч тусли бўз, бўз - ўтлоқи, ўтлоқи - бўз, ўтлоқи, ўтлоқи - ботқоқ тупроқлар мавжуд. Бу борада хилма - хил механик таркиби оғир, ўрта, енгил қумоқли тупроқлар учрайди.

Суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқлар туманда суғорма дехқончилигининг асосини ташкил этади ва улардан амалда тўла фойдаланилади. Тупроқ ҳосил қилувчи она жинслар делювиал-пролювиал генезисдаги лёссимон қумоқлар ва лёсслардан иборат. Механик таркибига кўра, тупроқлар оғир ва ўрта қумоқли, агроирригацион қатламдан пастда енгил қумоқ ва қумоқли аниқланган.

[3] Бўз тупроқлар бўз-ўтлоқи тупроқга тупроқ профили қуйи қисмининг кучли намланиши ва сизот сувларининг кўтарилиши оқибатида ҳосил бўлган ўтувчи (оралиқ) тупроқлар ҳисобланади. Суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқларда гумус миқдорига кўра., тупроқлар кам ва ўртача таъминланган. Ҳайдалма қатламидаги гумус миқдори 0,6-0,8 % айрим ерларида 1 % ни ташкил этади, профилнинг пастки қатламларига қараб унинг миқдори 0,2-0,4 % гача камаяди. Тупроқ кесими (профили) нинг қарбонатлашганлиги бир текисда (7-8

% CO₂). Карбонатлар таркибида кальций карбонат (CaCO₃) миқдори нисбатан устун туради. Ер ости сувлари 2-3 м чуқурликда бўлиб, даврий юқориги қатламларига кўтарилиб туради ва бу тупроқлар шўрланишига олиб келади. Шўрланиш даражасига кўра, тупроқлар кучли шўрланган доғлар мавжуд бўлиб, ўртача ва кучсиз шўрланган. Тупроқларнинг бир қисми гипслашганлиги билан ажралиб туради. Гипс миқдорига кўра кучсиз, баъзан, ўртача гипслашган. Тупроқ кесими (профили) нинг пастки қатламлари кўпроқ гипслашган. Баъзан кучсиз даражада ирригация эрозиясига учраган.

Тупроқ мелиоратив ҳолатининг ёмонлашувига ва унумдорлигининг пасайишига сабаб бўлувчи шўрланиш жараёнлари Ховос туманида 86,1 % ни ташкил этади, шўрланмаган тупроқлар 13,7 %, кучсиз шўрланган 15,9 % ни ташкил этади. Ўртача шўрланган тупроқлар 65,2 %, кучли шўрланган тупроқлар 5% ни ташкил этади. Гипслашган тупроқлар Ховос тумани умумий суғориладиган ерларининг 16,6 % ни ташкил этади. [1].

Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва тупроқ унумдорлигини оширишнинг асосий тадбирларига қуйидагилар мелиоратив, агротехник ва эрозияга қарши кураш тадбирлар комплексини киритишимиз мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Норқулов У. Шўрхок гипсли тупроқлар мелиорацияси. Монография.- Тошкент, 2018 й. Б.50.
2. Исманов А.Ж., Сектименко В.Е. Сирдарё ва Жиззах вилоятларининг суғориладиган тупроқлари / Монография. - Тошкент: «Фан» нашр., 2005 й. I-боб. Б.6-20.
3. Ражабов Т. Шўр ювиш – ҳосилдорлик омили Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали. №1,Т: - 2012 й.
4. Гафурова Л., Абдрахманов Т., Жаббаров З., Саидова М. Деградация почв (учебное пособие). Ташкент, 2012 г. Б. 18-58-72 www.ZiyoNet.com.uz.
5. Касимов У. Бўз-воҳа тупроқларини ҳозирги унумдорлик ҳолати. «Тупроқ унумдорлигини оширувчи янги технологиялар профессор

М.У.Умаров таваллудининг 90 йиллигига бағишланган халқаро илмий конференция материаллари тўплами». Т. 2004. 230 с.

6. Кузиев Р.К., Юлдашев Ғ., Акрамов И. Тупроқ бонитировкаси. Т. 2004.

7. «Тупроқ унумдорлигини оширувчи янги технологиялар профессор М.У.Умаров таваллудининг 90 йиллигига бағишланган халқаро илмий конференция материаллари тўплами». Т. 2004. 156 с.